

Март
Апрель
2020

Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана



UZBUNYODKOR




t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@mail.uz

№31 (380)
2020 йил 28 апрель, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Охириги уч йилда ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Шу даврда тармоққа ажратилган маблағлар 3 баробарга ошди. Ускуналарнинг учдан бир қисми янгиланди. 850 тадан зиёд илғор ва инновацион технологиялар жорий этилди.

Натижада қидирилаётган қазилма бойликлари турлари 3 тадан 17 тага кенгайди. Руда таркибиде аниқланган элементлар сони 12 тадан 40 тага етказилди. 2019 йилда Марказий Осиёда илк бор замонавий аэрогеофизик комплекс ишга туширилиб, ер қаърини инновацион усулларда ўрганиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, геология ишларининг бошланғич босқичида замонавий ГИС-технологиялари асосида дунёда тан олинган Global-Mapper, Erdas, ENVI дастурлари ва юқори аниқликдаги Landsat, Aster космосуратларидан фойдаланиш жорий этилди. Бу усуллар анча чуқур қатламлар ҳақида юқори аниқликда маълумот олиш ҳамда катта ҳудудларни қисқа муддатда ўрганиш имконини бермоқда. Энг муҳими, вақт ва харажат тежамолқда.

Ер ости сувларини мониторинг қилиш ва кадастрини юритиш ҳам такомиллаштирилди. 250 та кузатув қудуғида ер ости суви параметрларини масофадан автоматик ўлчаш қурилмалари ўрнатилди. Соҳадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида жорий йилда геология-қидирув ишларига 1,6 триллион сўм ажратилди.

Йиғилишда мазкур ишлар ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари қўриб чиқилди.

Йил якунига қадар олтин ва кумуш ресурслари, мис ва 8 турдаги норузда бойликлари захираларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун техникаларни янгилашни давом эттириш керак. Масалан, замонавий ускуналарни қўллаш ҳисоби-га бурғилаш чуқурлигини 800 метрдан 1200 метрга етказиш, иш самарадорлигини эса 1,7 бараварга кўпайтириш мумкин.

Шу боис жорий йилда геофизика, бурғилаш, тоқон ва лабораторияда қўлланиладиган 385 та ускуна модернизиация қилиш бўйича топшириқ берилди. Йил якунига қадар углеводородга истиқболли 16 та майдонни аниқлаш, 23 та янги кон захираларини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, давлатимиз раҳбари бунинг учун халқаро стандартларни жорий этиш кераклигини таъкидлади. Хорижий мутахассисларни жалб қилиб, геологларни JORC стандартлари бўйича маълумот тайёрлашга ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзлаштириш учун тайёр 20 та конга тажрибали инвесторларни жалб қилиш, бошқа истиқболли майдонлар бўйича сармоявий лойиҳаларни шакллантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Геология соҳаси қишлоқ ҳўжалиги ерларини сув билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, қудуқлар қазииш учун ҳар бир туманга махсус техникалар етказилиши белгиланган.

Йиғилишда 3 минг гектарга сув чиқариш учун 70 та қудуқ бурғилаш бўйича вазифа қўйилди. Шунингдек, жорий йилда 200 та янги қудуқда сув сар-

фини, 400 та қудуқда ер ости сув сатҳини онлайн мониторинг қиладиган тизим жорий этиш ҳамда ер ости сувлари интерактив харитасини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Геология ривожига фундаментал, илмий, инновацион ва амалий тадқиқотларнинг ўрни катта. Шу боис йил якунигача 2,5 минг квадрат километр майдонни космик тасвирлар орқали, 5 минг квадрат километр майдонни аэрогеофизика усули орқали геологик ўрганиш юзасидан топшириқлар берилди.

Жорий йил 24 январда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада ҳамда 31 январь куни илм-фан вакиллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари геология соҳасида илмий салоҳиятини ривожлантиришга доир қатор истиқболли вазифаларни белгилаб берган эди.

Шу асосда Геология фанлари университетини ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Унинг ўқув дастурлари Санкт-Петербург кончилиқ университети ва бошқа хорижий таълим муассасаларининг илғор тажрибаси ёрдамида ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда мазкур янги университет қошида Геология музейини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ўқув жараёнига боғлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги топшириқларни бажаришга қаратилган режалар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсири юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон фармонларига мувофиқ, аҳолини ижтимоий

қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилди, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ташкилотлар ходимларига иш ҳақи, шунингдек, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг узлуксиз тўлаб берилиши таъминланди.

(Давоми 2-бетда)

Халқимизнинг азалий қадрияти

Анъаналар халқнинг тарихий ривожланиши жараёнида яратилган ва авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо бойлигидир. Миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган урф-одатларни асраш ва камол топдириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Халқимизнинг бой анъаналарини ўзида мужассам этган миллий урф-одатларимиздан: саломлашиш, оила тутиш, ота-онани ҳурмат қилиш, саломатликни сақлаш, илм олиш, кийим кийиш, нонни эъозлаш, меҳмон кутиш, миллий байрамларни ўтказиш, табиатни муҳофаза қилиш, инсонларга яхшилик қилиш қабилаларнинг ҳар бири буюк бир мактабдир. Шунинг учун асрлар давомида ҳаётларда синалган, турмушларда қўлланиб мерос қилиб қолдирилган миллий, маърифий, маданий, диний урф-одатларни авайлаб-асраб, келажак авлодга мукаммал равишда инъом қилмоғимиз лозим.

Меҳр-мурувват, хайр-саховат каби эзгу амаллар халқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланади. Зеро, мардлик, ҳалоллик, яхшилик, оқибат каби юксак фазилатлар инсонга зийнат бўлиб келган. Кимки эзгулик йўлида яхшилик қилса, умрига, ризқиға барака киради дейди халқимиз.

(Давоми 2-бетда)



Саховат ва кўмак билан синовни енгамиз

Юртимизда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати фаолиятининг йўлга қўйилгани коронавирус пандемияси туфайли карантин давом этаётган бугунги синовли дамларда эзгу ишларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Бу борада юртимиз тадбиркорларининг улушлари беқиёс эканлигини таъкидлаш зарур.

Тошкент вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳузурида Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази иш бошлаганидан буён минглаб оилаларнинг мушқули осон бўлди. Шаҳар ва туманлар марказларига тушаётган мурожаатлар асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳеч бир оила эътибордан четда қолаётгани йўқ. Саховатдан барча баҳраманд бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар аҳолидан 30 971 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 27 061 тасига зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Вилоятда ҳозиргача 53 тонна гуруч, 43 тонна шакар, 62 тонна ун, 56 219 литр ўсимлик ёғи, 8 131 килограмм мол гўшти, 450 килограмм қуритилган мевалар, 51,400 тонна макорон, 37,5 тонна сабзи, 500 кг бодиринг, 2,5 минг литр сутли маҳсулотлар ва 24 878 дона тиббий ниқоб тарқатилди.

Эътиборли жиҳати, бугун савобли ишда барча қўлидан келганча иштирок этиш истагини билдирган. Ана шундай ташаббускорлардан бири «Grand Pharm Trade» масъулияти чекланган жамият шаклидаги дорихоналар тармоғидир. Эл бошига иш тушса, инсонлар сараланади деганларидек, ушбу жамоа вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги уй шароитида карантинда сақланаётган хонадон эгалари, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, Меҳрибонлик ҳамда Саховат уйлари ва болалар интернетларига хайрия сифатида 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар етказиб бермоқда. Шу кунгача 1 500 та оилага ана шундай ёрдам кўрсатилди. Турмуш шароити бирмунча оғир оилаларга қўшимча равишда нақд пул ҳам берилди.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар:

а) Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондида, «Саховат ва кўмак» фондида, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондида, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган:

пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солиғини ҳисоблашда чегирилаётган харажатлар сифатида қаралади;

товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди;

б) Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жа-

моат фондидан, «Саховат ва кўмак» фондидан, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган бегараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди;

в) жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавир-ус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар бўйича солиқни фойзсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича берилган кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддатга тенг улушларда тўланиши лозим;

г) лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фойз даромадлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда кечиктириш берилган даврдаги жами даромад таркибига киритилмайди;

д) тижорат банкларининг кредитлари бўйича фойз харажатларини Тадбиркор-

лик фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам таътиб қилинади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5-бараваригача оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг пенсиялар тўғри тайинланиши ҳамда тўла-ниши бўйича текширишлар натижасида аниқланган, ортиқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрель ҳолатига пенсияларнинг қарздорлик суммасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи шахслардан ташқари) пенсиялар тўлови тўғриват-тўғри Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси

даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонининг 6-бандида назарда тутилган соддалаштирилган тартибда солиқларни тўлаш бўйича фойзсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бериш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни му-стақил равишда, бироқ икки йилдан ошир-масдан белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшим-чалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси-нинг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбе-кистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 апрель

Саховат ва кўмак билан синовни енгамиз



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳара-катининг вилоятдаги ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушмоқда. Хусусан, ҳозир-гача «Маҳалла» фондининг вилоят ҳузурида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» жамғармасига тадбиркор-лардан миллионлаб ҳомий-лик ёрдами ўтказилди. Бу ҳам халқимизнинг қўли очиклиги, ҳотамтойлигидан далолат беради.

– Саховатпешалик ас-лида халқимизнинг қонида бор, – дейди Янгйўл тум-нидаги «Инсоф» МЧЖ раҳ-бари Боқижон Муҳаммедов. – Мен ушбу ҳаракатни қў-лаб-қувватлайман. Биз ҳам имконият даражасида но-чор оилаларга ёрдам бериб келмоқдамиз. Жумладан, шу кунгача ижтимоий ҳи-мо-яга муҳтож оила вакиллари-га 700 килограмм картошка, 600 килограмм пиёз, 400 килограмм сабзи, 300 литр ёғ, 600 килограмм ун, 600 килограмм макарон тақдим этдик.

Тошкент вилояти ҳо-кимининг ташаббуси билан яна бир савобли ишга қўл урилди. Барча туманлар-даги ижтимоий ҳимояга муҳтож, бемор ва ногирон-лиги бўлган, яқка-ёғиз, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Минг оилага – минг туҳфа» шиори остида ижтимоий хайрия акцияси ўз ишини бошлади. Акция доирасида эҳтиёжманд ои-лаларга саховатпеша ин-сонлар, ҳомийлар ва кор-хона-ташкилотлар кўмағида мингта кам даромадли ои-ланинг ҳар бирга бир бош-дан соғин сигир ҳада қилиш кўзда тутилган.

Халқимизда «Сигири бор уйда барака бўлади», деган мақол бежиз айтилмаган. Сигирнинг суги, ёғи, қатиғи оилага зарур. Ортиқчасини бозорга олиб бориб сотса, оила бюджетига фойда. Ои-лаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида сигир олган ҳар бир хонадон ўй бекасига меҳнат дафтарчаси очилиб, уларга иш стажни юритилади. Шу билан бирга, хонадонлар-га тадбиркорлар бириктири-либ, сигирнинг озуқасидан хабар олишга, суг ва ёғи-ни сотишга кўмаклашади. Меҳр-саховат тадбири даст-лаб Оққўрғон туманидан бошланиб, камбағал ҳамда боқувчисини йўқотган ои-лаларнинг 47 тасига турмуш шароитини яхшилаб олиши учун бир бoshдан соғин сигир топширилди.

– Бизга кўрсатилган бундай мурувватдан бе-нихоя хурсандман, – дей-ди Оққўрғон туманидаги Зарбдор маҳалласида ис-тиқомат қиладиган фуқаро Нигора Қодирова. – Севин-ганимдан йилга юбордим. Кутмаганимдан, тўғриси. Шун-дай бағрикенг, одамийлик, оқибат, хайр-саховат устун юрда яшашганимга яна бир буржунлар айт-дим. Энди бизнинг ҳам си-гиримиз бор, уйимизга ҳам барака кирди. Минг раҳмат.

Бўка туманида ҳам ак-ция доирасида 30 та ои-ла-га саховатпеша фермер ва тадбиркорлар ҳомийлигида қорамол улашилди. Шунинг-дек, Тошкент, Қуйи Чир-чиқ, Ўрта Чирчиқ, Зангиота, Паркент, Охангарон, Беко-бод, Янгйўл, Бўстонлиқ ва бошқа туманлардаги кам-бағал ва боқувчисини йўқот-ган оилалар ҳам бугун ушбу акция доирасидаги бундай инсонпарварлик ёрдамидан баҳраманд бўлишди.

Наргиза МИРЎҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori»
мухбири.

Халқимизнинг азалий қадрияти

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда карантин жорий этилгач, қўллаб-ой-лалар моддий томондан қийин ҳолатда қолди. Шундай шароитда қўллаб-тадбиркорлар ва фаоллар томонидан ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмак бериш мақсадида хайрия акциялари ташкил этила бошланди.

Маълумки, халқимизда «Яхшилик қилсанг, яшир, ях-шилиқ кўрсанг, ошир» деган мақол бор. Одамларимиз-нинг хозирги кунда қалбида акс этаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик, саховатпешалик каби инсоний фазилатлар ана шу мақолнинг далилидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 20 апрель куни бў-либ ўтган видеоселекторда вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш кўламини янада кенгайтириш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, халқимизнинг тарихий ва маънавий қадри-ятлари, меҳр-саховат, оқибат ва ғимнат каби юксак фа-зилатларини инобатга олган ҳолда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурилди. Ушбу ташаббус халқимиз орасидаги ҳамжиҳат-лик, меҳр-оқибатни янада мустақамлаши билан бирга, миллий қадриятларимизнинг янада камол топишига хиз-мат қилади.

Қадимдан халқимиз бошига тушган синовли, заҳ-матли ва машаққатли кунларни ўзининг ақл-заковати,

ишбилармонлиги, меҳр-оқибати, саховати, маънавий қадриятлари билан енгиб ўтган. Бугунгидек вазиятда эҳтиёжманд кишиларга ҳар қачонгидан ҳам эътиборли ва ғамхўр бўлиш талаб этилади. Шу маънода аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувват-лаш, вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилалар-ни аниқлаб, хозирги пандемия вақтида ишсизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли сонининг орттишини инобатга олиб Давлатимиз раҳбари «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси ҳар биримиз учун жуда аҳамиятлидир.

Ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиш, оғирини ен-гил қилиш қон-қонимизга сингиб кетган эзгу аъъанала-риимиздандир. Хозирги кунлар ҳам халқимизнинг меҳнат-севарлиги, инсонпарварлик тамойиллари, меҳр-шафқат ва саховатпеша эканини яққол намоён қилмоқда. Мана шундай кунларда бирдамлик, жипслик, аҳиллик ва шу-кроналик билан иш кўриш, айниқса, ён-атрофимиздаги ёрдамга муҳтож инсонларга кўмаклашиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Юртимизда ўзгалар дардига дармон бўлаётган, ижти-моий ҳимояга муҳтож оилаларга имкон даражасида ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бераётган саховатпеша инсонлар жуда кўп. Шу кунларда юртимизда ҳеч ким эътибордан четда эмаслигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Барчага амалий ёрдам кўрсатиб боришмоқда, ҳар бир маҳалла ва кишлоқларда яшовчи ёғиз кексалар, ноги-ронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган

оилалар, меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олинмоқда, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсати-лмоқда.

Маълумки, инсонга берилган хайр-саховат, меҳр-оқи-бат, сийлаи-раҳм каби улуғ фазилатлар доимо қадрланиб келинган. Бундай олийжаноб қислатларни ўзида мужас-сам эта олган инсонгина эл-юртнинг оғирини енгил қила оладиган фазилатли шахс ҳисобланади. «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши лозим» деган шиорни ҳар бир ин-сон ўзига дастур қилиб олиб, доимо яхшиликлар қилиши ҳақиқий инсонийлик сифатини билдиради. Яхшиликлар, савобли ишлар амалга оширилган, юрт тинч, эл фаровон, давлат тараққий топаверади.

Шу ўринда фикримни ёзувчи ва шоир Ҳусниддин Рав-шанининг қуйидаги мисралари билан тугатмоқчиман:

Келдинг ёруғ оламга,
Малҳам бўл дард, аламга,
Қурбонг етса биродар,
Яхшилик қил одамга.

Бўлса мол, дунё, пулинг,
Етса қай чўзсанг қўлинг,
Оқ бўлсин кўнгил, дилинг,
Яхшилик қил одамга.

Наргиза ТОЛИПОВА,
ТАҚИ Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги
кафедраси доценти.

СЕМУРҒ ҚУШНИ ИЗЛАБ ёки хайр-саховат йўлида

Эмишки бир гала қушлар йиғилишиб, Семурғ қушини излаб йўлга чиқибдилар. Йўлда уларни анча-мунча қийинчиликлар кутар эди. Қанотлари толганда, очлик ва ташналик азоби қийнаганида уларнинг йўлбошчиси бўлган қуш ҳамроҳларининг кўнглини кўтариш ва ярим йўлда орқага қайтмасликларни учун ибратли ҳикоят ва ривоятлар айтар эди. Ушбу ҳикоятлар қушларга далда бера ва уларга сабр-тоқат ва жасорат бахш этар эди. Бу қушлар Семурғ қушига етиб боришлари учун еттита водийни босиб ўтишлари шарт эди. Алал-оқибат барча водийларни босиб ўтишгач, қушлар шунини тушуниб етишдики, Семурғ қуши уларнинг ўзлари (яъни «се – ўттиз», «мурғ – қуш») экан. Босиб ўтилган машаққатли аммо шарафли йўл ягона маслак атрофида бирлашган ушбу қушларни комиллик сари элтибди...

Бутун дунё бошига оғир ташвиш бўлиб туш-ган Коронавирус пандемиясига қарши милла-тидан, динидан, танасининг рангидан қатъий назар бирлашган дунё аҳли худдики Ҳазрати Навоий асарига таъриф этилган қушлар каби ягона мақсад йўлида ҳаракат қилмоқдалар.

Айниқса юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида карантин вақтида фуқаролар-нинг ноҳор аҳволга тушмасликлари учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жойларда хайрия манзиллари ташкил этилиб, қийинчиликка ту-шиб қолган аҳоли қатламларига 1197 рақа-ми орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари фақатгина кам таъминланган оилаларга эмас, балки зарурат туғилган барча оилаларга тарқа-тилмоқда. Сўхбатдошимиз Ўзбекистон Эколо-гик партияси Бектемир тумани Кенгаши раиси, ЎзННТМА Тошкент шаҳар худудий бўлинимси бош координатори Дилдора Мавлянова ҳам ўз жамоси билан биргаликда синовли кунларда бир қанча хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Дилдора Мавлянова Тошкент шаҳар «Тад-биркор аёллар» марказида «Бизнес кўникма» йўналишидаги психология дарсларини ҳам олиб боради. Ўзининг депутатлик фаолияти доирасида у маҳаллалар фаоллари билан боғланиб, қийинчиликка тушиб қолган ои-лаларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Д. Мавлянова билан телефон орқали боғланиб бир нечта са-волларимизга жавоб олди.

– Дилдора Ҳайдарова, ҳозирги кунда қан-дай ишлар билан бандсиз?

– Дунё аҳли синовдан ўтаётган бир пайт-да, юртимизда ҳам бу касаллик авж олишини олдини олиш борасида аниқ тартибда белги-ланган амалий ишлар олиб боришмоқда. Дав-латимиз раҳбари томонидан чиқарилаётган Фармонлар, халқимизга қилинаётган Муро-жаатномалар замирида инсон ҳаёти нақадар қадрли эканини кўраимиз. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистон коронавир-ус эпидемиясига қарши кескин, самарали кура-шаётган мамлакатлардан бири дея эътироф эт-

моқда. Халқаро экспертлар эса Ўзбекистон ҳу-кумати қўллаётган оммавий карантин усулини тўлиқ қўллаб-қувватлашмоқда. Дарҳақиқат, ка-рантин қоидаларига қатъий риоя қилиш билан бирга юртдошларимиз ижтимоий шароитига катта эътибор қаратилмоқда. Авваллари ҳам кам таъминланган, ёғиз яшайдиган ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож оилалар билан боғланиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланар эдик. Ҳозирги қийинчилик пайтида эса мен ва ёнимдаги қадрдонларим ўз ташаббусимиз билан ёрдамга муҳтож ои-лалар рўйхатини шакллантириб, уларни керакли озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан таъмин-лаб турибмиз.

– Кези келганда албатта қизиқишимиз та-бийи, мана шу озиқ-овқат маҳсулотларининг манбаи ҳақида ҳам қисқача маълумот бер-сангиз.

– Бунинг учун биз кўнгилли ҳомийларни қи-дириб топамиз. Бу инсонлар ўз ишининг уста-си бўлган саховатпеша тадбиркорлар, бизнес-



менлар. Маълумки, юртдошларимиз орасида меҳр-саховат кўрсатаман дегувчи инсонлар қўллаб топилади.

– Юқорида айтганингиздек, дори-дармон-лар етказиб бериш масаласи. Бунга муҳтож кишилар учун керак бўлган препаратлар қаер-дан олинади?

– Ушбу масалада Ўзбекистон «Саратонга қарши кураш» жамоаси билан ҳамкорлик қил-ган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Биласизки, онкология билан касалланган ҳамда шамоллашга қарши дори-дармонсиз қолдириб бўлмайди.

– Сизлардаги дорилар фақат саратонга қарши препаратларми?

– Йўқ, бизда ўткир буйрак етишмовчилиги, асбларни тинчлантирувчи ҳамда шамоллашга қарши дорилар ҳам бор. Биз бу дориларнинг рўйхатини телеграм каналлари орқали тарқа-тишамиз. У ерда махсус телефон рақамлари бор. Кўнғирок қилган муҳтож кишиларга албатта бепул етказиб берамиз. Озиқ-овқат масалала-ри ҳам худди шу зайлда ҳал этилади.

– Жамоада сиз билан елкадош бўлиб ке-лаётган ҳамкасблар деймизми ёки маслак-дошлар кимлар?

– Бизнинг жамоани Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Дадаали Зуфаров қўллаб-қувват-лаб келади. Жамоада эса доимо мен билан елкама-елка туриб келувчи инсонлар Мухаббат Бобомуродова ва Халит Салямиев бўлади. Бун-дан ташқари, МФЙлар фаоллари билан доимо алоқада бўлиб турамыз. Улар кенгрок маънода бизнинг жамоадошларимиз ҳисобланишади.

– Ҳозирги синовли кунларда юртдошлари-мизга нима деган бўлардингиз?

– Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мир-зиёев таъкидлаганидек, «Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, тоқат ва улкан масъулият кўрсатиши-миз лозим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ва энг таъсирчан қўролимизга айланиши шарт». Ҳурматли юртдошлар, бу вирус деган балога ўзимизни тутиб бермайлик, оиламиз билан уйда қолайлик. Мана шу даврда озодалик қои-даларига янада эътибори бўлиб, оиламиздаги ёш болалар, катта ёшларини асрайлик, соғ-лигидан муаммоси борлар эҳтиёт чораларини кўришини истардик.

– Ҳаётда яшашдан мақсадингиз?

– Мен ўз юртимни, элиمنى жуда яхши кўра-ман. Токи тирик эканман, ўз кучим ва билимим билан юртдошларимга хизмат қиламан. Ме-нинг билимим орқали ҳаётда қийналган хо-тин-қизлар ўз ўрнини топиб, яхши бир касб эга-си ёки тадбиркор бўлсалар ҳамда шу ишлари ортидан кишиларга меҳр-мурувват улашишса, мен ўзимни бахтли ҳис қиламан. Ва бу хизмат-ларимни Ватан олдидаги бурчим деб биламан.

– Қимматли маълумотлар учун раҳмат. Ин-сонларга эзгулик улашиш йўлида асло чарча-манг, деб қоламиз.

Райҳон ТАНИҚУЛОВА сўхбатлашди.

Имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда

Бугун кун сайин чирой очиб бораётган мамлакатимизда бир-бирини такрорламайдиган замонавий осмонўпар бино ва иншоотлар қад кўтариши билан бирга автомобиль йўллари, катта ҳалқа йўли, йўл ўтказгичлари, автомобиль тўхташ жойлари, пиёдалар учун йўлаклар, имконияти чекланган шахслар учун махсус ўтиш йўллари ҳам барпо этилмоқда.

Албатта, йўлларнинг равон, сифатли ва халқимиз учун қулай бўлишини таъминлашда йўл қурилиши соҳаси мутахассисларининг изланишлари, уларнинг олиб бораётган илмий ва амалий, лойиҳалаш ишларининг аҳамияти катта. Мамлакатимизнинг автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти педагогик жамоаси ва талаба ёшлари пандемия шароитидаги карантин даврида ҳам илмий ишланишлар устида иш олиб бориб, ўз билимларини янада бойитиб бормоқдалар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотларига кўра, яқинда олий таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари учун ҳам уч йўналишда масофавий курслар йўлга қўйилди. Хўш, бу имкониятлардан олийгоҳ ўқитувчилари қай даражада самарали фойдаланмоқдалар?

Бу борада амалга оширилаётган ишларни билиш мақсадида институтнинг Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси мудири, доцент Рашидбек Худойкулов билан суҳбатда бўлдик.

– Мамлакатимизда карантин чекловлари давом этаётган вақтдан унумли фойдаланиб профессор-ўқитувчилар ўз устида ишларини самарали ташкил этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Ҳозир халқимиз синовли даврни бошдан ўтказмоқда. Карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда уйда қолиб, фаолиятимизни масофавий тарзда олиб боришимиз давр тақозоси. Карантин вақтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ОТМ профессор-ўқитувчилари учун «Масофавий таълимни ташкил этиш технологиялари», «Ингилиз тили (beginner)», «Ингилиз тили (intermediate)» йўналишлари бўйича масофавий курсларда ўқиш имкониятлари яратилди. Улар маърузалар матни, видеоматериаллар, маърузалар юзасидан топшириқлар, тестлар, фойдали манбалар ва адабиётлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Кафедрани профессор-ўқитувчилари ҳар бир курсларга дарс беришда масофавий таълимни ташкил этиш бўйича педагогик дастурий воситалар ва АКТ, электрон ўқув контентларини яратиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Шунингдек, инглиз тили бўйича бошлангич ёки давом эттирувчилар учун алоҳида курсларда ўзларининг тил кўникмаларини ҳам ривожлантиряптилар.

– Карантин вақтида талабаларнинг ўз устида ишларини самарали ташкил этиш, назорат қилиш мақсадида қандай ишлар йўлга қўйилган?

– Карантин эълон қилингандан кейин республикамиз ОТМлари қатори бизнинг институт талабалари ҳам «Moodle» масофавий таълим



платформасида таълим олиш имкониятига эга бўлишди. «Moodle» масофавий таълим платформасидан фойдаланиш учун талабалар ўзларининг телефон аппаратлари, планшет ва компьютерларидан фойдаланишлари мумкин ва бунинг учун профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалардан ҳеч қандай интернет трафик (мб) лар олинмапти. Талабаларга ушбу платформада ҳар бир фан бўйича маърузалар матни, видеоматериаллар, маърузалар юзасидан топшириқлар, тестлар, фойдали манбалар керакли адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти бор. Жумладан, ушбу масофавий платформа профессор-ўқитувчилар ва талабаларни фойдаланиш мониторингини автоматик равишда ҳисоблаб боради.

– Қўллаб хорижий давлатларда бўлгансиз, таълим тизими билан танишгансиз. Бугунги кунда жаҳон миқёсида масофавий таълим қандай йўлга қўйилган?

– Масофавий таълимни ташкил этиш бўйи-

ча биз ҳам бошқа ОТМлар қаторида бир неча йиллардан буён ривожланган давлатлар Германия, Швеция, Польша, Хитой, Япония, Россия ва Беларус Республикаларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда улардаги тажрибаларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу эса айни кунларда ўз самарасини бермоқда.

– Ҳозирги кунда республикаимизнинг бир нечта олий таълим муассасалари қаторида сиз фаолият юритаётган институтда ҳам хорижий олийгоҳлар ва соҳа корхоналари ўртасидаги алоқалар мавжуд, ушбу ҳамкорлик қандай давом эттирилмоқда?

– Ҳозирда Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси Силезия технология университети (Польша), Габисны Макаферри СНГ (Италия), Москва автомобиль йўллар давлат техника университети (Россия), Беларус миллий техника университети, «Кредо-диалог» ҚҚ МЧЖ (Белорус)лар билан ZOOM дастури орқали видео конференция кўринишида келгусидаги халқаро конференциялар, семинарлар ҳамкорликда адабиётлар, соҳадаги долзарб мавзуларнинг ечимини топиш бўйича бир қанча ишлар юзгага оширилмоқда. Ўйлайманки, бу каби ишлар карантин туғатган, янада кенг кўлабда давом эттирилад.

– Йўл қурилиши соҳасига мутахассис кадрларни етказиб беришда институт профессор-ўқитувчиларига катта масъулият юклайди. Айтингчи, бугун бўлажак йўлсозлар олдига қандай вазифа қўйилган?

– Бугунги кунда соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашда кўпроқ соҳа талаба ва истакларидан келиб чиқиб, ўқув фанлари режалаштирилган, жумладан талабаларни биринчи курснинг ўзидан соҳа ва ишлаб чиқариш билан яқиндан таништириш мақсадида ўқув танишув амалиётлари ташкил этилган. Иккинчи, учинчи ва битирувчи курсларда эса кўпроқ, ишлаб

чиқариш, малакавий ва битирувчи амалиётлари йўлга қўйилган. Ўқув жараёнлари учун соҳани ўзида кафедра филиаллари ташкил этилиб, уларда етук мутахассислар талабаларга дарс машғулотларини олиб борадилар. Бугунги кунда шахсан ўзим илмий тадқиқот ишларини устозлар ва шогирдларим билан биргаликда давом эттирмоқдаман. Илмий-тадқиқот мавзуси «Автомобиль йўллари пойидаги шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида аниқлаш ва уларнинг йўл пойида фойдаланишда керакли тавсияларни ишлаб чиқиш». Илмий-тадқиқот ишим юзасидан бугун кунда ихтиро учун патентлар ва муаллифлик ҳуқуқларини берувчи гувоҳнома-лар, монографиялар ва чет элнинг нуфузли илмий-техник журналлари ва конференцияларида илмий мақолалар чоп этириш ишлари устида иш олиб бормоқдаман.

Карантин даврида таълим муассасаларининг талаба-ёшларига бир қатор имкониятлар яратиш мақсадида онлайн сабоқлар, конференциялар, машғулотлар, семинар тренинглар ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Албатта, бу каби машғулотларда улар ўз билим ва малакаларини ошириб бориш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бугунгидек синовли давларда олий таълим тизимида ҳам қатор чекловлар амалга оширилди. Бироқ, шунга қарамай илм оламан, ўз устимда ишлайман, билимларимни мустақил равишда ҳам янада мустаҳкамлайман, деган ўқитувчи ёки талабага кенг имкониятлар яратиб берилган. Навбатдаги вазифа эса ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда бўлажак мутахассис, ўз касбининг етук устаси сифатида эзгу мақсадлар сари илдам интилишдан иборат.

«O'zbekiston bunyodkori» мухбири
Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК
Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси

қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан
ТЕНДЕР ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Объектлар номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
ТЕНДЕР			
1.	Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, «Ш. Ҳақиқат» МФЙ сув тизими қурилиши	1 787 936 165	232
2.	Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, «Нурли йўл» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	1 976 835 400	285
3.	Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, «Фаровон» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	1 772 818 931	220
4.	Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, «Қўй тош» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	4 954 875 932	318
5.	Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, «Бирлик» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	1 344 042 005	136
6.	Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, «Наврўз» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	3 738 992 389	336
ТАНЛОВ			
1.	Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, «Тулак» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	797 060 141	184 кун
2.	Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, «Озодлик» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	1 164 245 043	159 кун
3.	Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, «Робот» МФЙ ичимлик сув тизими қурилиши	1 100 455 265	166 кун

Буюртмачи: «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси.

Манзили: Гулистон шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 70-уй.
Тел.: 67-225-63-63.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан.

Талабор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: тендер (танлов) савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридида айланма маблағла-

рининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер (танлов) ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Сирдарё вилояти қурилишда танлов

савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этиш мумкин: Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Тел./факс: 67- 27-64-42.

Таклиф (оферта)лар очилиши xarid.uz махсус ахборот порталида жойлаштирилган санадан бошлаб тендерлар учун 15 кун ва танловлар учун 10 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй, Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази биноси.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали

такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. «DORI-DARMON» АК бошқаруви йиғилишининг 2019 йил 23 сентябрдаги 20-баёни ва 2020 йил 3 февралдаги 4-баёни қарорлари ва «SURXON DORI-DARMON» МЧЖнинг 2020 йил 22 апрелдаги 132-буюртманомасига асосан «SURXON DORI-DARMON» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такрорий аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. Қизирқой тумани, «Сариқ» ШФЙ, Работак маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони – 4 000,0 квадрат метр бўлган 16-сонли Марказий дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 1 605 559 000 сўм.

2. Музработ тумани, «Халқабод» ҚФЙ, Халқабод кўрғони марказида жойлашган умумий ер майдони – 3 590,0 квадрат метр бўлган 15-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 1 149 612 000 сўм.

3. Қумқўрғон тумани, Янги шаҳар маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони – 2 236,15 квадрат метр бўлган 10-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 2 008 398 337 сўм.

II. «Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгашининг 2019 йил 20 мартдаги 328-баённома қарори ва «Ўзбектелеком» АК Сурхондарё филиалининг 2020 йил 22 апрелдаги 57-01-16/969-буюртманомасига асосан «Ўзбектелеком» АК Сурхондарё филиалига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такрорий аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. Бойсун тумани, Даштиғоз маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 90,67 квадрат метр

бўлган «Даштиғоз» ҚАТС биноси. Бошланғич баҳоси – 8 897 010 сўм.

2. Бойсун тумани, Работак маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 20,44 квадрат метр бўлган «Работ» ҚАТС биноси. Бошланғич баҳоси – 4 085 970 сўм.

3. Бойсун тумани, Дуоба маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 20,16 квадрат метр бўлган «Дуоба» ҚАТС биноси. Бошланғич баҳоси – 3 243 220 сўм.

4. Денов тумани, Ўрта ариқ маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 79,09 квадрат метр бўлган «Ўрта ариқ» ҚАТС биноси. Бошланғич баҳоси – 14 564 370 сўм.

5. Денов тумани, Сина маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 150,69 квадрат метр бўлган «Сина» ҚАТС биноси. Бошланғич баҳоси – 11 146 870 сўм.

6. Шеробод тумани, Айний маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 45,11 квадрат метр бўлган «Айний» ҚАТС биноси. Бошланғич баҳоси – 7 352 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 14 май куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар маъмур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Қайд этилган кўчмас мулклар 2020 йил 14 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 29 май, 15, 30 июнь, 15, 30 июль, 14, 31 август, 15, 30 сентябрь, 15, 30 октябрь, 14, 30

ноябрь, 15, 30 декабрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш куни олдин, соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатал келишуви, закатал пули тўлангани тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 (ишгирма) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини савдо кунига қадар «КМХ» МЧЖнинг Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 2060 9027 ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО 01063 СТИР 207 122 519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

Телефон: (76) 223-15-82.
Расмий веб-сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0001-сонли лицензия.

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига

1. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 24 апрелдаги 14/334-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1999 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 122 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 193 946,40 сўм.

1996 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 125 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 193 946,40 сўм.

1997 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 013 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 193 946,40 сўм.

2002 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 135 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 593 189,70 сўм.

2000 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 134 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 193 946,40 сўм.

2006 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 117 VSF

бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 193 946,40 сўм.

2003 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 065 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги МАТИЗ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 175 907,70 сўм.

2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 356 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги МАТИЗ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 175 907,70 сўм.

2003 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 185 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги МАТИЗ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 175 907,70 сўм.

1999 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 235 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги НЕКСИЯ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 4 156 432 сўм.

2002 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 019 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги НЕКСИЯ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 4 156 432 сўм.

2002 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 182 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ТИКО русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 989 089,60 сўм.

2000 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 139 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ТИКО русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 989 089,60 сўм.

2000 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 193 VSF бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги УАЗ-31514 русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 4 700 925 сўм.

II. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси» Давлат корхонасининг 2020 йил 20 апрелдаги 05-04/79-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

2005 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 043CAA бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги УАЗ33962 русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 542 000 сўм.

1976 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 487ZAA бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги ЗИЛ-130 русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 068 000 сўм.

2002 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 6940AA бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги НЕКСИЯ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 944 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 29 май куни, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй манзилида жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини савдо ташкилотчиси «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 АТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.


Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.

Тел.: (61) 222-84-44.
Расмий веб-сайт: www.mmm.uz

ОНЛАЙН-ИНТЕРВЬЮ

КАРАНТИНДАН СЎНГ махсус шиfoxоналар такдири нима бўлади?

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари
Шерзод Ҳидоятлов Kun.uz мухбири билан суҳбатда бунга ойдинлик киритди



– Коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу сир эмас, ҳамма эътироф этапти. Бир неча кун аввал Президент Шавкат Мирзиёев видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон иқтисодиётига коронавируснинг салбий таъсирини камайтириш нуқтаси назардан қурилишда ишни жадал давом эттириш хусусида фикр билдирди. Ва бу қўлаб-қувватланмоқда. Саволим шундан иборатки, карантин даврида қурилиш ишларини давом эттириш қандай тартибда амалга оширилади?

– Биринчи навбатда, нега қурилиш соҳасига аҳамият берилди? Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 6 фоизини қурилиш соҳаси ташкил этади. Яъни қурилиш Ўзбекистоннинг драйверига айланган. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадаллаштириш, яъни қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчилар ва уни етказиб берувчилар, қурилиш ташкилотлари, қурувчилар – ҳаммаси иш билан таъминланади.

Пандемия даврида биз қурилиш объектларини қандай ишга туширамиз? Амак қилиниши керак бўлган санитария талабларини санитария-эпидемиология маркази (?) билан биргаликда ишлаб чиққанмиз. Ҳар бир қурилиш объектига кириш жойида махсус туннель ўрнатилган. Туннельда ҳамма филтрдан ўтказилади. Бу жуда оддий. Олдин шланкаларда сув пуркайдиган тизим бўларди. Энди дезинфекцияловчи аралашмани тайёрлаб, катта идишга солади. Қурувчилар ўтаётганда сенсор аралашма пуркалади.

Қурувчилар карантинга ўхшаб қурилиш объектида яшаши керак бўлади. Уларга ётоқ жой, ошхона ташкил қилинади. Бунда ҳам санитария талабларига риоя этилади. Ҳар икки соатда журналларни тўдириб, ниқоб

алмаштириш ва бошқа талаблар ижроси бўйича назорат олиб борилади. Овқатланишга борганда, овқатланишдан қайтганда ҳар гал қўлини санитария-эпидемиология марказида қўлини шундай талабларга риоя қилса, қурилиш ишлари давом эттиришга бўлади.

– Ўзбекистонда хусусий қурилишлар ҳам жуда кўп бўлади. Хусусий кичик фирмалар, фуқароларнинг ўзи ҳам шундай талабларга риоя қилса, қурилиш ишлари давом эттиришга бўлади.

– Ўзбекистонда қурилиш соҳасининг 75 фоизи хусусий қурувчилардан ташкил топган. Қолган 25 фоизи ижтимоий объектлар. Мана шу 75 фоиз ҳам жуда катта ишчи кучи ишлатади. Қурилиш материалларини талаб қилади, бунинг орқасидан завод-фабрикалар ишлайди. Шунинг ҳаммасини ҳисобга олиб, барча қурилишларга рухсат берилди. Фақат ижтимоий объектларни қурадиганлар, деб ажратилмади.

– Махсус шиfoxона ва карантин зонасининг фарқи нимада?

– Пандемия даврида махсус шиfoxоналар қурилади. Улар юқумли касалликлар даволандирилган ҳудуд. Зангиота туманида 2000 ўринли шиfoxона қуриляпти, яқин орада фойдаланишга топширилади. Чилонзорда қуриляпти. Ўртабандда қурилган эса карантин ҳудуди ҳисобланади. У ерга чет давлатдан келатган фуқаролар 14 кунга карантинга жойлаштирилади. Ҳар бир хонада 4 нафардан фуқаро жойлаштирилган. Мабодо уларнинг орасида вирус аниқланса, карантинда ўтирганларнинг ҳаммаси эмас, фақатгина бир хонада яшган тўрт киши шиfoxонага олиб борилади. Карантин ҳудудининг олдида махсус лаборатория бор. Карантиндаги аҳолига хизмат кўрсатиш

учун кир ювиш хонаси, ошхона ҳам қурилган. Ташқарида турган ошхона кейтеринг тизимида бир марталик идишда овқат кирилади. Ҳудуд олдидаги махсус чиқиндиҳонада барча чиқиндилар ёқилади.

Карантин ҳудуди билан шиfoxонанинг фарқи жуда катта. Шиfoxонада касалликни юқтирган инсон даволанади. Унинг талаблари бошқа бўлади. Карантин ҳудуди яшаш учун мўлжалланган. 14 кунда фуқаролар карантин вақтини ўтказиши учун барча шароитлар, яъни телевизор, кондиционер, телефон, гигиена воситалари, душ ва ҳожатхона, ётиб дам олиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Хоналар ҳажмида кичик ҳовлилар ҳам қилинган. Аммо, баъзи оммавий ахборот воситалари карантин ҳудуди ва шиfoxонани бир-бири билан адаштириб юборапти. Карантин ҳудудини келгусида шиfoxона бўлади, деб адаштиришмоқда.

– Катта карантин ҳудуди қурилди, пандемиядан кейин унинг, махсус шиfoxонанинг такдири нима бўлади?

– Махсус шиfoxона ҳозирги кунда юқумли касалликларга мўлжалланган. Пандемия ўтгандан кейин эса кўп тармоқли шиfoxона бўлиб ишлай олади. Лойиҳа шунга мўлжалланган. Зангиотадаги касалхона кўп тармоқли шиfoxона, Наманганда қурилатган 150 ўринли махсус касалхона ҳам пандемиядан кейин кўп тармоқли шиfoxона бўлиб ишлай олади.

Карантин ҳудудига келсак. Бирлашган Араб Амирликлари қурилиш соҳасида жуда ҳам ривожланиб кетган. Ҳайратда қолдиган даражада қурилишлар қилинган. Лекин бу қурилиш объектларининг ичида одам яшаётганини кўрмайсиз. Қурувчилар автобусда олиб келинади. Ишчилар учун махсус жой барпо қилинган. Улар ўша

ерда яшайди, бир хил вақтда объектга олиб келинади, бир хил вақтда яшаш жойига қайтарилади. Смена ҳам шу тарзда алмаштирилади. Биз ҳам шунини ҳисобга олдик.

Карантин даври тугагандан кейин бу ҳудуд қурувчилар учун ажратилди. Бу Қурилиш вазирлигининг талаби бўлади. Тошкент шаҳрида ким қурилиш қиладиган бўлса, ишчилари ўша ерда яшаши керак. Қурувчиларнинг кўпчилиги узоқ ҳудуддан, вилоятлардан келишади. Улар уйига қатнай олмайди. Шунинг учун қурилиш объектларида контейнерлар, вақтинчалик жойлар қилинади. Лекин улар сифатли бўлмайди, одатда, ҳар хил нохуш ҳолатда бўлиши мумкин. Шунининг олдини олишга ҳаракат қиляпмиз. Ўша ерда яшаб, барча шароитдан фойдаланади. Қурилиш объектида қурувчилар санитария-гигиена талабларига риоя қилиши учун ҳам барча шароитлар муҳайё қилинган бўлади. Қолаверса, қурилиш этикаси ҳам ривожланади.

– Пандемия даврида қурилиш сифатини назорат қилиш қандай амалга оширилади?

– Айрим қурилиш объектлари – касалхона, бошқа жойларда қурилиш ишлари аслида давом этаётган эди. Эндиликда ҳаммага баравар рухсат берилди. Қурилиш назорат инспекцияси ходимларига ҳам тиббиёт ходимларига каби махсус комбинезон берилган. Қўзойнақ, ниқоб билан таъминланган. Ҳар қурилиш объектидаги бориб, санитария талабларига асосан назоратни олиб бораверади.

– Ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда «Шаффоф қурилиш» иловаси жорий қилиниши ҳақида брифингларнинг бирида айтилган эди. Пандемия даврида бунини ишлатиш қанчалик ёрдам берапти?

– Брифингда бу гапнинг айтилгани ҳам бир ярим ой бўлди. Шу йили ишга туширилади, дейилган эди. Дастурчилар бунинг устида иш олиб борапти. Қадамба-қадам ҳаммасини ишга тушираемиз. Даставвал Мавжуд бош режалар жойлаштирилган Ўзбекистон харитасини ишга туширдик. Ундан аҳоли ҳам фойдалана олади, лекин асосийси лойиҳачилар учун қулай бўлди.

Қаерда бўш ер борлиги, баландликлар ҳақида барча маълумотлар мавжуд. Қурилиш назорати инспекцияси учун ҳам яна бир дастур ишга тушади. Яқин кунларда кейин тест жараёни бошланади. Унда ҳар бир инспектор ўзига берилган планшетада қайси объектга бораётган бўлса, лойиҳа билан танишади, муаммосини ўрганади. Сервер орқали марказдан назорат олиб борилади. Экспертиза тизимини ҳам электрон шаклга ўтказганмиз. Пандемия даврида шу тизимга ўтишга тўғри келди. Ўз вақтида бошлаган эканмиз. Бизга жуда ҳам қўл келди. Ҳозир электрон тизимда иш олиб бориляпти.

– Пандемия туфайли иқтисодий пасайиш ҳамма жойда кузатиляпти. Бу ҳар бир фуқаронинг даромади ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Тошкент шаҳрида ҳам, бошқа ҳудудларда ҳам турар жой қурилиши жуда авж олган. Энди уларни харид қилиш суръати ҳам ўз-ўзидан пасаяди. Харид қуввати-

нинг пасайиши билан боғлиқ равишда қурилиш соҳасида муаммолар пайдо бўлиши эҳтимоли қанчалик?

– Яқинда ўтказилган мажлисда Давлатимиз раҳбари ипотека бериш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳам ўз назоратига олди. Бундан бўғига 15 йилга бериладиган кредитни 20 йилга узайтираемиз, дейилди. 20 йилга узайгандан кейин бунинг ойма-ой тўлови пасаяди. 15 йилга мўлжалланган сумма 20 йилга бўлинади, шунинг ҳисоби-га ойлик тўлов камаяди. Бу аҳолига пул тўлашга имконият яратади. Даромади камайганлар учун қулайлашади. Ҳозирги кунда бу масалани Молия вазирлиги ишлаб чиқаяпти.


– Бу маълум муддат – карантин ва карантиндан кейин ҳаммасини ўз изига солиб олиш даври учун бўладики ёки кейинчалик умумий ҳолатда ҳам 20 йиллик ипотека кредитлари тақдим этиладими?

– Ҳозирги пайтда 20 йилга ипотека кредити бериш муддат билан чегараланмаган. Пандемия даврида иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, барчаси ҳисобга олинади. Аҳолининг даромади, харид қуввати яхшиланса, кейинчалик бошқа бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирги вақтда 20 йил муддатга берилиши фалон муддатгача деб белгиланмаган.

Манба: Kun.uz

Қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик лойиҳалари натижасида қурилиш ишлари ҳажми тобора ортиб, соҳа ривожини учун муҳим аҳамият касб этаётир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қурилиш материаллари саноатини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жихатдан янгилаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш ва экспорт ҳажминини кенгайтириш, тармоққа инвестицияларни жалб қилишни жадал ташкил этиш юзасидан 2019 йил 20 февралда «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида «Эсаноатқурилиш материаллари» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи «ЎзқурилишматериалЛТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ташкил этилди ҳамда 2019-2021 йилларда қурилиш материаллари саноатида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Жумладан: умумий қиймати 1,3 млрд АҚШ доллари, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 692 млн АҚШ доллари миқдорига амалдаги корхоналарни техник ва технология янгилаш ҳамда янги корхоналар барпо этиш бўйича 67 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш; 2021 йилга цемент ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмларини 17 млн тоннага, архитектура-қурилиш ойнасини – 32 млн квадрат метрга, ёғоч-қилиқ плитасини – 380 минг куб метрга, газ-бетон блокларини – 700 минг куб метрга, гўлқозонларни – 4,5 млн рулонга, кўп қаватли уйлар қурилиши учун йирик панелли темир-бетон буюмларини – 180 минг квадрат метрга етказган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Кун сайин қурилиш соҳасида янги турдаги экологик тоза материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллашнинг салмоғи ортиб бормоқда. Хусусан,

дунёнинг Германия, Россия, Туркия, Япония, Хитой каби ривожланган мамлакатларида янги қурилиш материалларини яратиш ва уларни ишлаб чиқариш ва бу орқали бино ва иншоотларнинг физикавий ҳолатини яхшилашда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, бино ва иншоотларни қуриш, уларнинг мустаҳкамлик ва барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жихатдан янги қурилиш материаллари, жумладан деворбоп материалларини ишлаб чиқаришда материалларнинг маҳаллий хом ашёсидан таркибли ва уларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда деворбоп материалларнинг вақт бўйича бардошлилиги, ҳар хил иқлим шароитига чидамлилиги ва мустаҳкамлигини ошириш, иссиқлик-техник хоссаларини яхшилаш борасида, хусусан тайёрлаш жараёнида серговак структурани ҳосил қилиш ва ўртача зичлигини камайтириш учун қуйиб кетувчи қўшимчалардан фойдаланиш, минерал қўшимчалардан фойдаланиб, материал структурасини оптималлаштириш, уларни ишлаб чиқаришнинг энергия самарадор технологияларини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари томонидан аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш орқали, импорт ҳажминини камайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали янги иш ўринларини яратиш, пировардида ички бозорда қурилиш материаллари нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда, қурилиш тармоғида деворбоп материалларининг янги замонавий турларини ишлаб чиқариш ва кенгайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сонли қарорида ушбу мақсадлар ҳам қамраб олинган.

Мазкур қарор асосида республикамизда 2019-2021 йилларда 12 та газбетон блокларини ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этган ҳолда, йилга умумий 1,8 млн метр³ қувват билан ишлашлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 7 январь куни қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устивор ва-зифаларга бағишланган йиғилишда ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш учун малакали қурувчилар ва билимли лойиҳачилар кераклиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш, соҳада техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинмаётганлиги, риск-анализ тизими ва назорат йўқлиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар юз бермоқда, қурилиш соҳасида ўрта бўгин мутахассислари ва ишчи касблар классификациясини жорий қилиш ҳамда унга мувофиқ коллежларда қурувчилар тайёрлаш зарур, соҳага оид таълим дастурларини юқори технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида янгидан ишлаб чиқиш, бўлажак кадрларни замонавий лойиҳалаш ва дастурий таъминот, хусусан БИМ технологиялари билан ишлашга ўргатиш кераклиги таъкидлангани беҳиз эмас.

Зафар САТТОРОВ,
ТАҚИ Қурилиш материаллари ва
кимё кафедраси мудири.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 5 май куни чиқади.

**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тулганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахрират:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусахҳиҳ

Дилшод Жалолов
Акмал Махжамов
Райхон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛТИ» ДУК.

Тахрират манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (набукхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (таҳрират), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudokor@mail.ru

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорағон вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Бюрога – Г-453.
2164 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳорини келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахриратга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди
ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахрират компьютер марказида терилди
ва сахифаланди. Газетанинг полиграфик жихатдан
сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
Ўза яқини – 22:10. Топширилди – 23:10.